



# Ishonch

МОҲИЯТ

Заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини гурур билан таъкидлаш лозим.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Кутлуғ сана



## Соҳибқирон

## авлоқларимиз

2010 йил 9 апрел. Соат 10:00. Амир Темури хибони ҳар қачонгидан гавжум. Соҳибқирон таваллудининг 674 йиллиги муносабати билан «Соҳибқирон Амир Темурига эҳтиром» мавзусида ўтказилаётган анжуманга давлат ва жамоат арбоблари, фан, таълим ва маданият ходимлари, Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва Тошкент давлат юридик институтининг 500 дан зиёд талабаси билан бирга жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, мактаб ўқувчилари йиғилган. Уларнинг чехрасида ифтихор ҳисси балқиб турибди.

Тадбирни Халқаро Амир Темури хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб берди: — Амир Темури чиндан ҳам манглайи ёруғ инсон бўлган. Машҳур тарихчи Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарида шундай пурҳикмат сўзларни келтириб ўтади: «Бу кунлар давлатимизнинг бошланғич кунлариди, — дейди Амир Темури сафдошларига. — Биз сал-

танатимизни одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш асосига қураётганимиз сабабли уларни юантириб, хотирини жам қиламиз». Бу гапларни буюк арбоб давлат бошига келишидан тўрт йил аввал айтган эди. Кўриниб турибдики, улуғ инсонларнинг сири ўзига бўлган ишончида акс этади. Анжуманда сўзга чиққан Буюкбританиянинг Ўзбекистондаги факултетида ва мухтор элчиси Руперт Жой ҳамда профессор Акмал Саидов ҳам Амир Темури ҳақидаги фикрларини билдиришди. Тантана қатнашчилари томонидан Амир Темури ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Соат 10:30. Халқаро Амир Темури хайрия жамғармаси, Темурийлар тарихи давлат музейи ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ташқиллаштирган ушбу тантанали тадбир Темурийлар тарихи давлат музейида давом эттирилди. Бу ерда меҳмонлар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди, ёш санъаткорлар миллий кўшиқ ва рақслари билан келганларни хушнуд этди. Камалиддин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаларининг ижодий ишлари намойиши билан биргаликда Халқаро Амир Темури хайрия жамғармаси ҳамда «Арт ёғду» гуруҳи ҳамкорлигидаги «Темурийлар даври ренессанси» кўргазмасининг очилиши бўлди. Пайтдан фойдаланиб, музей экспонатларига ҳайрат ва фахр билан боқиб турган ёшларнинг таассуротлари билан қизиқдик. — Кўз олдимизда кулол йигит Файрат Жураев ясаётган чиройли кўзчалару қаштачи қиз Феруза Омонова тикаётган миллий кашталар мени гўё олти аср ортга саёхатга олиб боргандай бўлди, — деди Тошкент ихтисос-

лаштирилган хотин-қизлар коллежининг 2-курс талабаси Нигора Турсунбоева. Қибрай туманидаги 1-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Бахтиёр Холиқов эса: — Мен кўпроқ ўша даврларда темир ва симлардан ясалган аскар совуқлари ва кийимларига қараб ҳайратландим, — дейди. — Уларнинг бугунга қадар сақлангани, пишиқ металл ва қалин терилардан маҳорат билан ишлангани бобомиз барпо этган давлат нақадар кучли бўлганидан далолат беради. Шунингдек, кўргазмада темир устунлар томонидан зарб этилган мис ва кумуш тангалар кўпчилигининг эътиборини жалб қилди. Ўша давр руҳи, маданий, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзининг бир бўлаги сифатида намоён бўлган ижод намуналари қадрият ва тарихий аъноаларимизнинг асрлар оша тақомиллашиб келаётганидан дарак бериб турарди.

(Давоми 4-бетда)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Р.Ҳ.Қодировни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига янги муддатга тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 12-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ; **Рашидjon Ҳамидович Қодиров** Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига янги муддатга тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 9 апрел

### Янги кун янгиликлари

«Микрокредитбанк»нинг Шахрихон туман бўлими ўтган йили миқозларга 23 та йўналиш бўйича 1 262 581 000 сўмлик микрокредит берди. Бу маблағ асосан қишлоқда янги иш ўринлари яратишга сарфланди.

### Микрокредит ҳисобидан

— Шу билан бирга хизмат кўрсатишни яхшилаш учун бошланғич сармояларни микрокредит ҳисобидан бердик, — дейди банк филиали бошқарувчиси Тўхтасин Йўлдошев. — Жами кредитлар ҳисобидан 1246 та янги иш ўрни яратилди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Ўзгорнинг Халқобод қишлоғидаги «Жамшид Тўра бобо набираси» фермер хўжалиги аъзолари хайрли ишга қўл урди.

### Халқобод қуёнлари

— Айна пайтда 1500 дан зиёд қуён боқиб, гўшт етиштиришга киришдик, — дейди ташаббускор фермер Рашид Хусанов. — Яқинда Тошкент вилоятидан 160 та зотдор қуён олиб келиб, жониворлар сонини янада кўпайтирдик.

Хўжалик туманидаги дўконларга парҳез гўшт етказиб бераётипти. **Иззат ҲИҚМАТОВ**, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Бугунда туманидаги «Бекобод» қишлоқ фуқаролар йиғинида 995 млн. сўм сарфланиб, компютер технологиялари коллежи қурилди.

### Яна бир коллеж

Уни «Файзобод бинокор» хусусий қурилиш ташкилоти бинокорлари бунёд этди. Қишлоқ марказида қад рўстлаган икки қаватли бино қишининг ҳавасини келтирди.

Намунавий лойиҳа асосида қурилган, 615 ўринга мўлжалланган иншоотда ўқувчилар учун ҳамма шароит яратилган. **Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

### Намунали касба уюшма

Бу воқеа ўтган йили куз бошида юз берганди. Рўзгор учун майда-чуйда харид қилиб бозордан қайтган Карим бобонинг кечадан бери кайфияти йўқ. Чойхонада тенгдошлари билан хангомалашиб ҳам чиройи очилмади. Осмонга қараб баттар кўнгли гашиланди. Кўрғошин ранг қоп-қора булутлар осмонни тўлдирганди...

Бобо кирк йилга яқин чўян кўйиш цехида ишлади. Ҳаётида кўп нарсага эришди. Мукофотлар олди, обрў топди. Лекин битта армони — фарзандсиз. Пенсияси чакки эмас, бемалол етди. Ҳар йили ёзда кампирни билан ёки ўзи дам олишга боради. Корхона маъмуриятига, касба уюшма ташкилотидоғиларга мингдан-миг раҳмат, бунинг учун шароит яратиб беришяпти.

### Дарвозани

### ТАҚИМЛАТГАН КИМ?

Негадир ўтган йили уйи томидан чакка ўтди. Чорасини кўрмаса бўлмайди. Катта кўчорини сотиб, пулга шифер билан ёғоч харид қилиш, уста топиб томини янгилашни дилига туғиб турганда, дарвоза тақиллаб қолди. Бориб очса, корхонада йиғирма йилга яқин ёнма-ён меҳнат қилган, бугунги кунда касба уюшма кўмитаси раиси бўлиб ишлаётган Хумойиддин Мўминов.

— Келинг, келинг, — деди Карим бобо кўчор очиб. — Қандай шамол учирди?

— Сизни соғиндик-да, отахон, — касбақўм раиси жилмайди. — Бир кўриб кетайлик, деб келямиз-да.

Иккови етаклашиб ичкарига кирди. Бир пиёла чой устида бўлган гурунгда Карим бобо ташвишини ҳам айтиб:

— Шуқури, бунга имкомин бор. Кўчор боқайтандим. Навбатдаги яқшаба куну ўшани бозорга чиқармоқчи бўлиб тургандим.

— Икковимизнинг мақсадимиз битта экан, — қулди меҳмон. — Маъмурият билан касба уюшма кўмитасининг қўшма йиғилишида корхонада узоқ йил ишлаган 3-4 фахрийнинг иморатини таъмирлаб беришга қарор қилганмиз. Сиз ҳам рўйхатда борсиз, шунга кўра уйингизни кўрган келгандим.

Эртасига корхонадан келган вакиллар уйни кўздан кечириб, смөта харажатабини ҳисоблашди. Қурилиш ашёлари келтирилди ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Карим ота дуога қўл очди.

— Ўтган йилнинг ўзида беш кишининг уйини таъмирлашга, икки нафақадорга янги турар-жой қурилишида кўмаклашдик, — дейди касба уюшма кўмитаси раиси Х.Мўминов. — Бундан ташқари, ўтган йилда ўнга яқин ишчи ходим сихаттоҳларда ҳордик чиқариб, саломатлигини тиклади. Ишловчилар фарзандларидан 38 нафари ёзги таълини болалар оромгоҳларида ўтказди. Бундан кейин ҳам ходимларга кўмаклашиш асосий ишларимиздан бўлиб қолади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ**, «Ishonch» мухбири

### Мулоҳаза

### Ўзимиздан чиққанга не етсин

Бундан 50-60 йил муқаддам АҚШнинг Флорида штатидан шакарқаманининг бир неча нави олиб келиб синаб кўрилган ва Олтинсўй тумани «Шакарқамиш» хўжалигида экилган ҳам эди. Ҳосилдорлик кутилганидан зиёда бўлиб, мавсумда гектаридан 600-700 центнергача шакарқамининг массаси олишга эришилган, текширишлар натижасига кўра, шакарқамини навида бир фоиз микдорда шакар моддаси борлиги аниқланганди. Тез орада шу ернинг ўзида қайта ишлаш мақсадга мувофиқ топилиб, ром заводи қурилди ва кунга ўрта ҳисобда 15-20 тонна шакарқамини массаси қайта ишланб, ундан спирт, ром,

шакар ва бошқа ўнлаб кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. Бироқ фалакнинг гардиши тескари айланб, шакарқамини етиштирилган хўжалик узумчиликка ихтисослаштирилди. Завод эшигига қулф урилди. Фойдий инсонларнинг савъ-ҳаракати ўлароқ олис океан ортдан келтирилиб, ўтқорлаштирилган шакарқамини навлари буткул бой берилди. Бизнинг Сурхондарё иқлими шароитида гулламаганлиги боис ундан гирйд навлари олинсин ҳам илжожи бўлмади. Бу кечгаги кунинг гали. Энди уларни қайтарши амримаҳол. Бироқ, хатоларни бартараф этиш ва Ҳиндистон ёки Индонезиядан

шакарқамини навлари олиб келиб, тажриба хўжалигида синаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Аминимизки, бу ишнинг натижаси чакки бўлмайди. Ана шунда катта маблағ эвазига хорижий давлатлардан келтирилатган спирт, шакар маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Қ.ФАЙЗИЕВ,

«Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясига қарашли жанубий ўзбек тажриба станцияси раҳбари, биология фанлари номзода. **Ч.УРИНОВ**, илмий ходим

Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Марказий кенгаши билан маъмурият ўртасида тузилган тармоқ келишуви мажбуриятларининг 2009 йилда бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Маълумки, тармоқ келишуви бандларининг бажарилишига омил бўладиган дастлабки мезон, бу иш бевучи томонидан белгиланган иш режаларини йил давомида қай тариха удаланишига боғлиқдир.

— Утган йилда Ўзбекистон темир йўлларида 65,6 млн. тонна юк вагонларга ортиб, жўнатилди, — дейди тармоқ касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Кутлимурот Собиров. — Бу олдинги йилга нисбатан 2,8 млн. тоннага кўп бўлиб, режа 104,4 фоизга бажарилиганини аниқлади. Юк тушириш ҳажми ҳам 8,1 млн. тоннага ҳам даромад олинди.

Бунга янги йўналишларда халқаро ва шаҳарлараро поездларни йўлга қўйиш натижасида эришилди. Натижада ишдаги ютуқлар ва даромадининг ортиши тармоқ келишувидан мажбуриятлар бандларининг бажарилишига асос яратди.

Йил давомида темир йўл транспорттида ва транспорт қурувчилари корхоналарида меҳнат қилаётган ходимлар, аёллар ва ёшлар, меҳнат фахрийларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларга етарлича иш шароитларини яратиб бериш ишлари Марказий кенгаш ва унинг қуйи ташкилотларининг доимий эътиборида бўлди. Меҳнатқилардан келиб тушган аризалар ўз вақтида кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди. Шунингдек, санаторий ва дам олиш уйларига 835 та, санаторий-профилакторийларга 2554 та йўлланма, сув спорт саройига 2691 та абонемент ажратилиб, бу тадбирлар учун ижтимоий суғурта маблағларидан 692,5 млн. сўм сарфланди. Йўлланмаларнинг 205 донаси имтиёзли тарқатилди. Ёз мавсумида 6824 нафар болалар оромгоҳларида соғломлаштирилди.

Ҳисобот даврида ўқув-спорт ишлари учун касба уюшма ташкилотларидан 457,9 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилди ва олдинги йилга нисбатан 1,36 фоиз ўсишга эришилди.

Меҳнат муҳофазасига ҳам катта эътибор қаратилди. Йўл қўйилган камчиликлардан ўз вақтида тўри хулоса чиқарилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриб борилди.

Музокарада сўзга чиққанлар Марказий кенгаш билан биргаликда олиб борилган ишлар юза-

сидан фикрларини билдиришди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг меҳнатқилар ижтимоий-иқтисодий мақсаатларини ҳимоя қилиш бўлим мудирини Маҳмуд Исаев ижтимоий шерикичиликдаги янги тамойиллар, жамоа шартномалари тузишдаги янгиликлар, касба уюшма маблағлари ҳисобидан янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик, касаначилик билан шугулла-нувчиларни касба уюшмаларига қабул қилиш, иш ҳақидан қарздорликнинг назорати ва бошқа масалаларга батафсил тўхтади.

Йиғилишда тармоқ битимига қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Ишлаётган аёлларга умумий иш стажидан қатъи назар, туғиш-

гача ва туғишдан кейинги даврга ойлик иш ҳақининг 100 фоиз миқдоридда устима тўлаш, узуқ-сиз иш стажига қараб қўшимча ҳақ тўланадиган таъти бериш, соҳа шифохоналарида темир йўл транспорти ходимларини бепул даволлаш ва иссиқ овқат билан таъминлаш, тармоқ соғлиқни сақлаш муассасалари ва санаторий-профилакторийлари ходимларининг овқатланиши учун ҳар ойда дотация тўлаш, соҳа меҳнатқиларининг фарзандларини соғломлаштириш учун сихаттоҳларга, болалар спорт мактабига маблағ ажратиларди шуллар жумласидандир.

Аҳдам ДАМИНОВ, жамоатчи мухбир

## Яхши даромад

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини оширди

Тармоқ келишуви

Ўқув-семинар



**Чорвачилик  
истиқболи**

**Бўстонлик тумани «Юмалоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинида Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда давлат ветеринария бошқармаси ҳамкорлигида «Чорвачиликни ривожлантириш, наслчилик хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш ва яхшилаш, аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини жонлантириш» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

— Халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, маҳсулот сифатини, самардорлигини оширган ҳолда таннархини арзонлаштиришда фермер ва яққа тартибдаги ҳўжаликларга кўмаклашиш, бу борадаги тарғибот ишларига касаба уюшмалари масъул этиб тайинланган. — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова. — Шу мақсадда агросаноат, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида жойларда семинарлар ташкил этилмоқда. Бугунги йиғилишимиздан мақсад ҳам соҳадаги масалаларни атрофлича муҳокама қилишдир.

Семинарда яққа тартибдаги ҳўжаликларда моллар сони ва уларга зооветеринария хизматларини кўрсатишни ҳисобга олиш дафтарини юриктириш қатор қўлайликлари таъкидлаб ўтилди. — Олдимизда катта вазифалар турибди. Бунда ҳамкорликдаги фаолиятимиз ҳамда ташвиқот ишларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. — деди вилоят давлат ветеринария бошқармаси раҳбари Малика Сатторова. — Аввало молларни турли касалликларга қарши вақтида эмлаш керак. Бунда нафақат молларни, балки ўзимизни ҳам улардан юқиси мумкин бўлган касалликлардан сақлаган бўламиз.

Кизгин кечган семинарда касаба уюшмалари, зооветеринария бошқармаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари биргаликда соҳа фаолиятини янада жонлантиришга қелишиб олишди.

Шунингдек, семинар доирасида «Сариқанли» зооветеринария ва сунъий уруғлантириш шохобчасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Акмал ТОШЕВ

**Уларнинг тажрибаси  
оммалаштирилмоқда**

**Тарғиботда  
ҳам гап кўп**

**Сунъий уруғлантириш бўйича белгиланган топшириқларнинг жойларда бажарилиши юзасидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан алоҳида мониторинг олиб бориш тизими жорий этилди ва 25 нафар вақил ҳамда 7 кишилик гуруҳ сафарбар қилинди.**

Жумладан, бизнинг туманда 6 кишидан иборат гуруҳ тузилиб, унга 25 нафар ёрдам кўрсатувчи вақил бириктирилди. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудига 12 та, чорва фермер ҳўжаликлари қошида 8 та зооветеринария шохобчаси ташкил этилди ва айни пайтда улар 62 та маҳалланинг 26 минг 782 хонадонига намунали хизмат кўрсатаётди. Аҳоли ўртасида сунъий уруғлантиришнинг афзалликлари тўғрисида тушунтиришлар олиб борилаётганлиги, рекламаларга кенг ўрин берилганлиги ўз самарасини бераётди. Одамлар гавжум жойларга, мол бозорларига, маҳалла марказларига паннолар, плакатлар осиб қўйилган. Тарқатилаётган варақаларнинг ҳам таъсири катта бўлаяпти. Шунингдек, маҳаллий газеталарда доимий равишда эълонлар бериб борилаётди.

Жорий йилнинг 1 - чорасида 1542 та наслик буқа уруғи сотиб олиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирча шунинг 1435 таси харид қилинди. Сигир ва гунажинларни сунъий уруғлантириш режаси ошириб уддаланди.

Бу юмушларни бажаришда Мингтут зооветеринария шохобчаси мудири Ҳабибжон Раҳмоновнинг хизмати катта бўлаётди. 2009 йилда унинг кўрсаткичлари Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мутахассислари томонидан ижобий баҳоланди.

Ҳабибжон ўтган йили ўз ҳудудида 1426 та шахсий ҳўжалик қарамонидан 1700 бош қорамолдан 404 гунажинни сунъий уруғлантириб, 285 бош бузоқ олган бўлса, бу йил бошидан бери 100 та сигир ва гунажиндан 80 бош бузоқ олишга эришди.


«Республикада 2010 йилда қорамоллар бош сони, гўшт ва сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш зооветеринария ҳамда наслчилик сервис хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш ва яхшилаш бўйича амалга оширилаётган «чора-тадбирлар» Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш учун бундан кейин ҳам изчил кураш олиб бораверамиз.

Султонбой КИМСАНОВ,

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси

**Мақсадимиз - жисмонан бақувват,**

Самарқанд



**Чиниққанга чанг юқмас**

**Эл-юртинг эртаси биз тарбиялаётган ёшларга боғлиқ. Юртимизда ёшларни чиниқтириш, кучли, иродали қилиб ўстириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларда жамғармаимизнинг ҳам ҳиссаси бор. Ёшларга ҳар жихатдан шароит яратиш, уларни, айниқса, қишлоқ ёшларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, қишлоқда замонавий спорт иншоотларини қуришдек муҳим юмушларни бажариб келаяпмиз.**

Ўтган етти йил мобайнида жамғарма ҳисобидан 117 та спорт мажмуаси қурилди ва реконструкция қилинди. Биргина ўтган йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан вилоятдаги кам таъминланган спортчи ўқувчиларга 155 млн. сўмлик спорт кийимлари етказиб берилди.

Биз бунёдкорлик ишлари билан бирга турли мусобақаларни ҳам ташкил этаёпмиз. 2009 йили жамғарма томонидан 192 та шундай тадбир уюштирилди. Уларга вилоят мактабларининг 22627 ўқувчиси жалб этилди.

Жамғарма режасига мувофиқ бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида «Кувноқ» старта-л» телемусобақаси ташкил этилган. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Соғломжон, полвонжон» беллашуви, маҳаллалар ўртасида «Соғлом

оила» оилавий ўйинлари ташкил этилган. «Маҳаллаимиз полвонлари», «Футбол-имиз келажиги» мусобақаларининг оммавийлиги таъминланаяпти.

Вилоятимиз ўсмирлари «Умид ниҳоллари» мусобақасида фахрли ўринларни эгаллаб келаяпти. Гулистонда бўлиб ўтган баҳсда вилоятнинг 128 нафар спортчиси муваффақиятли иштирок этиб, 2 та олтин, 13 та кумуш, 19 та бронза медалини қўлга киритди. Умумтаълим мактаблари ўқувчилар ўртасида спартакиада мунтазам равишда ўтказиб келинаётди.

Меҳнатимиз беиз кетгани йўқ. Енгил атлетика бўйича Александра Котлярова, Зарина Тоирова, Озода Каримова, бадий гимнастика бўйича Мафтуна Шамсиева, спорт гимнастикаси бўйича Санжар Сайдуллаев, Ситора Хайдарова, курашчи Темир Тураев, Бектош Сапаров, Бехзод Саматов

каби ўнлаб спортчилар бир неча қарра Ўзбекистон чемпиони бўлишди.

2010 йил болалар спортини соҳасида туб бурилиш йили бўлади, десам хато эмас. Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида яна бир муҳим қадам қўйилганлигининг шохиди бўлиб турибмиз. Шунга асосан жамғарма ҳам бир қатор ишларни режалаштириб қўйган. Чунинчи, ҳудуддаги 14 та иншоот қурилиши ва таъмирланиши режалаштирилган.

Спорт — саломатлик қафолати. Биз ҳам баркамолликка эришиш, ёшларимизнинг танти ва мард бўлиб ўсиши учун барча имкониятни ишга соламиз.

**Фурқат ХўЖАЕВ,**  
Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самарқанд вилоят филиали директори

**Факт ва рақамлар**

2010 йилда Самарқанд вилоятида барпо этиладиган спорт иншоотлари:

- \* Самарқанд шаҳри Ибн Сино кўчасида спорт-соғломлаштириш мажмуаси.
- \* Пастдарғом туманида болалар спорт мажмуаси.
- \* Жомбой туманидаги 27-мактабда спорт зали.
- \* Иштихон туманидаги 19-мактабда спорт зали.
- \* Самарқанд туманидаги 47-мактабда спорт зали.
- \* Булунғур туманидаги 14-мактабда спорт зали.
- \* Пастдарғом туманидаги 11-мактабда спорт зали.
- \* Самарқанд шаҳридаги 35-мактабда спорт зали.
- \* Самарқанд шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабининг янги биноси.
- \* Жума шаҳар истироҳат боғида спорт зали ва майдони.
- \* Жорий ва капитал таъмирлаш мўлжалланган иншоотлар:
- \* Самарқанд шаҳридаги 4-, 6-болалар мусика мактаблари.
- \* Пахтачи туманидаги 34-болалар мусика ва санъат мактаби.
- \* Булунғур тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошидаги сузиш ҳавзаси.

**Фаолият  
жонланади**


**Ёшлар камолотига касаба уюшмалари жиддий эътибор қаратмоқда. Бу борада Иштихон тумани таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма ташкилоти ҳам ибратли ишларни амалга ошираяпти.**

Тармоқ касаба уюшмаси ўтган беш йилда ҳудуддаги таълим муассасаларига 510 та футбол, волейбол, гандбол тўплари, 6 та волейбол, 5 та футбол тўри ва бошқа спорт анжонлари олиб берди.

Туман ёшлари волейбол жамоаси 2008 йилда вилоятда голибликни қўлга киритган бўлса, 49-мактабнинг қўл тўпи бўйича қизлар жамоаси 2006, 2009 йиллари «Умид ниҳоллари» мусобақасида вилоятда биринчи ўринни эгаллади, мамлакат босқичида эса совриндорлар сафидан жой олди.

— Президентимизнинг болалар спортига бўлган эътибори зиммаларга катта масъулият юклайди, — дейди Иштихон тумани таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Валиев. — Биз махсус дастур доирасидаги ишларни кўпайтиришга бел боғлаганмиз.

Н.ФАХРИДИНОВ



**Спорт саломатликдир**


Спорт ҳаётимдаги энг қувончли онларни тақдим этган. Ўтган йили шарқ яққакураши бўйича икки бора Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Икки қарра республика қаратэ усталари баҳсида голиб чиқдим. Бу ютуқларни қўлга киритишда устозим Умид Ражабов

менга яқиндан ёрдам бериб келаяпти.

Айни кунларда Самарқанд туманидаги 2-мактаб-боғчада ҳамда Самарқанд шаҳридаги 2-мактаб-интернатда машғулотлар ўтказаятган устозимга кўмаклашяпман. Хориж филологиясига

қизиқишим катта. Келажакда ана шу соҳада етуқ мутахассис бўлмоқчиман.

**Ақбаршоҳ ОМОНУЛЛАЕВ,**  
Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицей ўқувчиси



МАЪНАН ЕТУК ВА КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ

ВИЛОЯТИ


Камолот сари

Спорт бардамлик ва чиниқлишнинг энг ишончли воситасидир. Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошида фаолият кўрсатаётган мактабимизда спортнинг 11 тури — бокс, самбо, кураш, муайтай, футбол, кураш, оғир атлетика, сузиш, гандбол ва баскетбол бўйича машгулот олиб борилади.

Мактабимизга тажрибали мутахассислар жалб этилган. Фаолият кўрсатаётган 20 мураббийнинг 9 нафари олий маълумотли. Машгулотлар шаҳар ва туманлардаги аренаalarda ўтказилади. Бугунги кунда Иштихон туман қишлоқ хўжалик техникалари парки спорт иншооти, Ургут касб-хунар коллежи спорт заллари касаба уюшма спортчиларининг намунали масканларидан саналади. Касаба уюшмалари ёшларнинг эркин шугулланиши учун барча шароитни яратиб бераёпти.

спорт мажмуида ўтказилган бокс турнирида касаба уюшма спортчиларидан 25 та вакил иштирок этиб, 5 нафар спортчимиз биринчи, 3 нафари эса 3-ўринни қўлга киритди. Ургут ва Пастдарғом туманларида ташкил этилган кураш, самбо мусобақаларида ҳам шогирдларимиз муносиб иштирок этди. Касаба уюшма спортчилари орасида боксчи Жаҳонгир Сатторов, Элёр Мурсаров, муайтайда Озоджон Бекбоев, Элдор Жалиловлар тенгқурлари орасида катта обрўга эга. Оғир атлетикачи Ақобир Усмонов эса

ўтган йили республика турнирида шохсупага кўтарилди. Вилоятда ёшларнинг бўш вақтини ҳисобга олган ҳолда тез-тез мусобақалар ташкил этиб тураммиз. Хотин-қизларни спортга жалб этиш борасида алоҳида иш олиб борилаётир. Мақсадимиз ёшларни чиниқтириш орқали саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат. Ҳикмат ТИЛЛАЕВ, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори



Оиламизда спортни севишди. Шу боис мен спортнинг мураккаб турига қатнаша бошлаганимда эътироз туғилмади. Тўғри, ҳали ёшман. Аммо интилишдан тўхтаб қолмоқчи эмасман. Гарчи аёлларга унчалик хос бўлмаса-да, самбо билан шугуллана бошладим. Касаба уюшмалари тасарруфидоги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маҳоратимни ошираяпман.

Юксакликни кўзлаб

Малакали устозлар меҳнати ва ўз интилишларим боис самбонинг нозик усулларини ўзлаштирдим. Илк натижаларим ҳам чакки эмас. Утган йили Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган республика самбочилар беллашувида муваффақиятли қатнашдим. Интилганга толе ёр деб бежиз айтишмас экан. Мусобақада учинчи ўринни эгалладим. Айни чоғда бу йилги баҳсга қизгин тайёрланапман. Мақсадим мамлакат чемпионлигини қўлга киритиш, халқаро турнирларда қатнашиб, мамлакатимиз байрогини юксакларга кўтариш.

Сарвиноз ЮНУСОВА, касаба уюшма спортчиси

Изланишдан толмайман

Мамлакатимизда замонавий спорт иншоотлари ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Малакали мураббийлар бизга кунт билан сабоқ бермоқда.

Самарқанд шаҳридаги 16-мактабда таҳсил оламан. Яқинда ўн тўртга кирдим. Кўп йиллардан буён каратэ билан жиддий шугулланиб келаман. Устозим Тўхтамурод Мухторов. Спортга қатнашиб сира ют-

қазмадим. Кучимга куч қўшилди. Вилоятдаги қатор баҳсларда ғолиб чиқдим. Шарқ яққаураши бўйича аввал вилоят, сўнгра мамлакатда ўз вазим бўйича мутлоқ ғолибликни қўлга киритдим.

Спорт мен учун саломатлигим гаровидир. Нилуфар НАБИЕВА, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт мактаби ўқувчиси



Изчилликка интилиб

Инсон саломатлиги жамият учун ўта қадрли. Фақат соғлом, баркамол авлодгина эл-юртга кўпроқ наф келтира олади.

Аҳолини соғломлаштиришнинг қулай усулларидан бири спортнинг оммавийлигини таъминлашдир. Касаба уюшмалари ана шу хайрли иш ташкилотчиларидан бири бўлиб келмоқда. Худудларда ўтказилаётган мусобақалар қатнашчилари сони йилдан йилга ошаётир. Таълим-тарбия муассасаларидаги ҳар бир бола спортнинг бирор тури билан шугулланиши таъминланаёпти. Утган йили ёшлар ўртасида касаба уюшмалари соврини учун мусобақалар ташкил этилди. Тасарруфимиздаги мактаб ва боғчаларга 2,5 млн сўмлик спорт жиҳозлари олиб бердик. Мақсадимиз бу ўқув даргоҳлари ёшлари спорт билан шугулланишда муаммога дуч келмаслигига эришиш.


Нарзулла ФОЗИЛОВ, таълим ва фан ходимлари Булунгур туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

Ёшлар орасида бўлиш, улар билан ишлашнинг ўзига хос гаши бор. Кўп йиллардан бери ёшларга мураббийлик қиламан.

Ёшликнинг фойзи

Иштихон туманида мўъжазгина спорт залимиз бор. Бу ерда юздан ошиқ бола кураш ва бокс билан шугулланади. Кейинги икки йилда шогирдларим орасидан 5 та спорт устаси, 5 та 1-разряд соҳиби, 7 та спорт усталигига номзод этишиб чиқди. Мамлакатимиздаги турли мусобақаларда фаол қатнашаман. Шу чоққача 2 нафар халқаро турнир ғолиби, 3 нафар Ўзбекистон чемпионини тарбияладим. Шогирдларим орасида Бобур Каттақулов, Хуршид Турсунов, Бобур Сайдазимов сингари таниқли спортчилар бор. Бугунги кунда уларнинг издошлари оз эмас. Ёшлар учун барча шароит яратилган.

Акрам УЗОҚОВ, вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти мураббийи



Кўшсаҳифани «Ishonch» муҳбири Нурилла ШАМСИЕВ тайёрлади.

(Давоми. Боши ўтган сонда.) Ота-ўғил нон-насибасини кўпқари майдонларидан теришарди. Шу кунни ҳам Яратган эгам кўп кўрди. Бир кун Раҳимқул бойнинг қизил аскарларга қарши борган укасининг ўққа учган жасдини олиб келишди. Мусулмончилик, таъзиянинг ҳам ўзига яраша расм-русумлари бор. Марҳумнинг арвоҳини шод этиш керак. Кўнгилга ўйин-қулг сиймайди. Бойтўра кўпқари давраларига кирмай кўйди. Ота-бола иккаласи ҳам жинхўр эмасми, чавандозлар тўп-тўп бўлиб улоққа йўл олишганида кўрмайин ҳам, кўймайин ҳам қабилада ўзларини одамлар кўзидан четга олишади. Ахир элнинг яхши-ёмон гап-сўзини кўтариш эр йигит учун эп эмас-да, кўк салла ўраб, кўк яктак кийиб аза тутишди. Шу асно киш ўтиб, баҳорнинг серёғин кунлари бошланди. — Уғлим, Нишондаги чўпонларимиз аҳолидан хабар олиб келайлик, шу баҳона эл кўриб, юрагимизни бўшатамиз, — деди Раҳимқул бой ўғлига. Иккаласи икки от бошини салт қўйиб, ўтган-кетганларни ёд олиб Дехқонободнинг Шўғузарида пешинга яқин Гузорнинг Пачкамағига етишганида одамларнинг «Бўш келма!» «Такани маҳкам тақимла», чавандозларнинг «Хайё-хуй!» «Е отамнинг арвоҳи!» деган шовқинлари қулоққа чалиниб, катта кўпқари даврасининг устидан чиқиб қолишди. Раҳимқул бой кўзлари ёниб, кўрағида юраги гурс-гурс ураётган ўғлидаги ўзгаришни разм солмасдан сездди: — Шу ерда бироз оёқ ёзайлик, қишлоқдан олисда бизни ким танирди, сен отингни совутиб кўпқарига кир, худонинг ўзи кечирсин, — деди қамчи сопини эгарнинг қошига дук-дук уриб. Отасидан орланиб сўз очинининг услубини билмай турган Бойтўранинг юзига қизил эниб, кўзлари чакнади: — Бўлмаса оқ фотиҳа беринг, бахтимни синаб кўрай.



Абдунаби Абдиев, Мухтор Пардаев Кўпқари гурунглари эссе

— Бор, йўлинг оқ, ишларинг пок бўлсин, олгин, сира олдирмагин, сени ўтганларнинг руҳи қўласин. Уғил ечинди, доимий одатига кўра хуржунга жойлаб чиққан чавағонлик либосларини кийди. «Сурма тўрик»ни миниб кўпқари талашаётганлар сафига қўшилди.

Чавандозни кўпқарининг хумори тутмасин экан. Хуморни бостириш оғир иш бўларкан. Хумори чавандоз майдонда солимга ташланган такадан бошқа нарсани кўрмас экан.

Уша кун ўзини хон, кўланкасини майдон чамалаб юрган не-не чавандозлар Бойтўрадан зот айиролмай лол қолишди. Бойтўра катта-катта совринларни бир ўзи яккалади, менман деган чавағонлар олдига чўққалади, оқсоқоллар ор талашиб зот айиролмаган чавандозларидан ўқалади. Раҳимқул бой эса соврин йиғиш, олиб кетишга чўти етмаганларини сотиш билан овора бўлди.

Кўпқари тугагач ота-ўғил бир кунлик «кўноқхўй» сўраб қишлоқ ховлиларидан бирининг эшигини тақиллатишди. Хонадон соҳибни меҳмонлардан саховатини аямади, минг йиллик танишларини кутгандек осларига шохи-кимхоб кўрпачалар ташлади, оёқлари остига жонлик сўйди, топан-туганини дастурхонга тўқди. Но-нуштадан сўнг бир пиёла чой устида гурунғ авж олди.

— Бугун қишлоғимизда катта кўпқари бўлди, — деди мезбон меҳмонларни зериктирмаслик учун суҳбат тизгинини қўлга олиб. — Бир оқ-сарикдан келган, ҳеч ким танимайдиган чавағон ҳам-мани доғда қолдирди. Давра яримлаганда тўрик оти билан кўпқарига кириб, кейин ташланган ҳамма солимларни ўзиники қилди. Тўққан ота-онасига раҳмат, кўзга яқин йигит экан, суққа чалинмасин-да ишқилиб.

Бу гапларни эшитиб Раҳимқул бой мийғида жилмайди: — Уша йигитни кўрсангиз танирмидингиз? — Билмасам, илгари сира кўрмагандим. — Бўлмаса танишиб кўйинг, ўша йигит мениннг ўғлим бўлади, мана ўзи.

Мезбон қайта ўрнидан кўзғолиб, Бойтўрани меҳр билан бағрига босди.

Юртда босмачилик авж олган йиллар эди, бир кунни ўн чоғлик отлик Бойтўрани сўроқлаб келди. — Уғлингни қақир, яхшиликча бизга қўшилсин, бўлмаса омон-замонини бермаймиз, — деб шарт қўйишди Раҳимқул бойга.

— Майли, ўғлим сафардан қайтсин, сизлар кўйган шартни ўзига айтаман, — укаси қизил аскарлар ўқига учгани учун юрагини олдирган Раҳимқул бой ўғли уйда бўлса-да ўрик сўзлади. Бу аҳвол тагин уч марта такрорланди. Шундан сўнг қишлоқ оқсоқоллари Раҳимқул бойга маслаҳат беришди:

— Кўрбошилар бир йўқлаган бўлса, энди ўзларига қўшиб олмагунча тиңчишмайди, омон-омон кўнлар келгунча Бойтўрани кўздан йироққа юбориш керак.

Уша оқшом отасидан, қишлоқ оқсоқолларидан фотиҳа олган Бойтўра тоғ ошиб, Бойсун томонларга ўтиб кетди. Ҳар элнинг ўз оқсоқоли, одамлар оғзига қарайдиган бақовули бўлади. Бойтўра Бойсуннинг тоғ қишлоғига етиб келгач, кесалардан олган маслаҳатига амал қилиб эл оқсоқолини сурштирди.

— Хадича исмли бойбичамиз бор, аёл бўлса-да хайр-саховати юз эркакка юк, эл шунинг оғзига қарайди, — деди илк дуч келган киши. — Ер-алмоғи катта, эшигидан ердан сўраб борган банди дидига ўтиришса ерданини аямайди.

Хадича бойбича эшигидан иш сўраб келган йигитнинг ихчам қад-коматини, сунбатини синчковлик билан назардан ўтказди: — Ҳозирча сайсига ердამлашб тур, ҳар кунни мешкобда чашмадан сув ташиб, отларнинг чанқоғини бостиришга ердამлашсан, бўлмаса ишга киришавер, ўзингни кўрсатсанг бошқа хизматларга ўтказарман.

— Бош устига. Уҳшатмасдан учратмас деганларидек янги хўжайини аёл боши билан отга, кўпқарига ишқибоз бўлиб, олтига номдор тулпори, тўртта чавандози бор экан. Чавандозлари йигитларнинг сардори, отлари отларнинг тулпори экан. Бойтўра қарийб икки йил Хадича бойбичанин хизматини сидқидилдан бажарди, шу орада икки бор тунда ота-онасидан, эл-юртидан хабар олиб қайтди.

Кўнлардан бир кун Бойсунда хабар тарқалди: — Кимсан — Дўсан бой элга кўпқари бериб, бош совринга майдонда энгилиш нималигини билмаган Кўкча отини тикармиш. Солимни ҳалоллаган чавағон тулпорга эга бўлармиш.

Бу хабарни эшитган Хадича бойбича чавандозларини ёнига жамлаб, шундай дебди: — Бундай ўйинларнинг илгари ҳам ким келтаси бўлган, бир ҳамлада Кўкчага эга бўлган деган хомхаёл нақланишда айланмасин, барибир бефойда, бойнинг Убай ғирром деган чавағонини бор, Кўкча солимга ташланганда бақовулар унинг такага бемалол чилвир солишига руҳсат этишади, шу пайтгача Убай ғирромнинг чилвирини узиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаган.

Бир чеккадан бу гапларни эшитиб турган Бойтўранин юрагида нимадир ғимирлабди, майдонда бахтини синаш истаги туғилди. Шу мақсадда донги тоғ ошган кўпқарига кириш истагини билдириб Хадича бойбичанин ёнига борибди: — Холажон, бир илтимосим бор эди, йигит кишиман, сазамни ўлдирмасангиз айтаман.

(Давоми бор)

Кутлуғ сана

Соҳибқирон авлоқларимиз

(Боши 1-бетда) Соат 12:00.

Музейнинг кичик конференциялар залида ушбу кўргазмада қатнашган миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари, фаол иштирокчиларга ижодий ишлари (куллочилик, миниатюра, ёғоч ўймакорлиги ва бошқалар) учун мақтов ёриқлари ҳамда совғалар топширилди. Сўнг «Темурийлар даври ренессанси» мавзусидаги давра суҳбати бошланди.

Муҳаммад Али:

— Амир Темур ва темурийлар даврида фан, адабиёт, миниатюра, мусиқа ва томоша санъатлари барқ уриб ривожланди. Бугун эътиборингизга ҳавола этилган кўргазма ўша давр Марказий Осиё фани, меъморчилиги ва санъатининг хилма-хил турлари, шунингдек, темурийлар даври иқтисодиёти ҳамда харбий санъати юксалишини кўрсатиб беради. Бугунгидек катта анжуманларда ёшларнинг бобомиз қолдирган меросни қизиқиш билан ўрганаётганини ҳоҳияда қувончандир. Шу ўринда Амир Темур даврини ўрганишга оид баъзи мулоҳазаларни айтмоқчиман. Бир кунги бир муҳаррир газета саҳифасига қўйилган темурийлар даврига доир мақола уни ўқиб беришимни сўради. Унда айтилишича, Амир Темур давлат бозига келмасдан бурун жанубий ва шимолий шўбаларга бўлинган партия тузган эмиш. Очиғи, бундай маълумотни ҳеч қаерда учратмаганман. Шунинг учун муҳаррирга ушбу факт нимага асосланганини аниқлашни маслаҳат бердим. Шунга ўхшаш хатолар такрорланмаслиги учун аниқ манбалар келтирилса яхши бўларди. Волтернинг темурийлар даврига оид асаридида шундай ёзилган экан: «Кимки Амир Темур ҳақида асар ёзмоқчи бўлса, Шарофиддин Али Яздийга суянгани маъқул». Албатта, биз ҳам бу фикрга қўшилишимиз.

Нозим Ҳабибуллаев, Темурийлар тарихи давлат музейи директори:

— Амир Темур шахсига айниқса Европа халқлари бошқача кўз билан қаради. 1996 йили ЮНЕСКО билан давра суҳбати бўлиб ўтган конференция бўлган. У ерда кўп қатъий тарихчи олимлар йиғилган эди. Кутилмаганда очилди маросимига Франция президенти Жак Ширак ҳам келди ва хавфсизлик нуқтаи назаридан бўлимларга бириктирилган ҳамма олимлар кўргазма залидан четлатилди. Шунда юртбошимизнинг ўзи бир ярим соат мобайнида Жак Ширакни те-



мурийлар даврига оид манба ва материаллар билан таништирган эди. Мен бунга ёшларимизга ибрат бўлиши учун айтганман. Эеро, жаҳон майдонига чиққанда биринчи зарурий қурол тарихимизни яхши билишдир.

Омонулла Бўриев, тарихчи:

— Соҳибқирон Амир Темур даврини ўрганиш том маънода мураккаб берадиган имконият бўлди. Истиклол йилларида темурийлар даврига оид ҳар бир тўпламнинг ўз номи бор. Шулардан бири «Темурийлар тарихига оид манбалар» деб номланди. Бу тўпламнинг янгилиги шундаки, унга «Ёш тадқиқотчиларнинг илмий-амалий семинари материаллари» мавзусида магистр ва аспирантларимизнинг илмий ишлари киритилди. Шунда юртбошимизнинг ўзи бир ярим соат мобайнида Жак Ширакни те-

Аҳмад Шоймуродов, ҳайкалта-рош:

— Етмишинчи йилларда олим ёки шоир бўлса майли, аммо биронта подшоҳнинг ҳайкалини ишлаш мумкин эмасди. Шунинг учун Мирзо Улугбек ҳайкалини тоғ ўрнига сала билан тасвирлаганман. Мана бугун тарихий ҳақиқатни аслича тасвирлашга имкон тузилганига барчамиз шохид бўлиб турибмиз.

Давра суҳбати узоқ ва қизғин давом этди. Темурийлар тарихи давлат музейидан чиқар эканмиз, буюк боболаримизга муносиб ворис бўлиш масъулиятини яна бир бор ҳис қилдик.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири Икром ҲАСАНОВ олган сурат



Мазали китоб

Хомуш юрар Сичқоний: Сичқончиси семирмас. Бетобмикан, хойнаҳой, Китобларни кемирмас.

Аммо кино деганда, Ҳазин томдан отади. DVDни диванда ялаб-юлаб ётади.

Сичқон қилар насиҳат: — Китоб егин, асалим, Китоблар-чи ҳамма вақт Киносидан мазали.

Ҳазил

Чумчуқчани тирмашиб, Чикариб олдим индан. Ҳазил ҳамма қилди, Ҳазил қолди у чиндан.

Ялқов терак

Боғимизга экдим терак, Толёғочдан қилдим тиргак. Қўқармади қурғур терак, Бирок... тиргак чиқарди барг. Энди ўша ялқов терак Толға тиргак бўлса керак.

Келажакка саёҳат

— Бундай ўйлаб қарасам, Ким бўлган қарасам, — Деб суратимни олдим, Устидан расм солдим. Соқол чиздим юзимга, Ойнак тақдим кўзимга. Чиздим узун ажинлар. Бужурлар-у гижимлар. Озайтирдим сочимни, Оқартирдим кошимни. Яна ишлади қалла, Кийди чиройли салла. Вақтни роса хезлатдим, Келажакни тезлатдим. Ёлғон деманг сўзимни, Қўрқим унда ўзимни. — Ўша сурат қаерда? — Анаву компьютерда.

Ойим нега норози?

Уйда ҳамма иш қилиб, Ясаб олдим гишт қолип. Талай гиштар қуйилди, Хирмон бўлиб уюлди.

Дадам хурсанд ишимдан, Қуйган ҳар бир гиштимдан.

Дейди: — Ишинг ақлли, Катта бўлдинг, шекилли

Аммо, негадир ойим, Норози юрар доим.

Дейди: — Девори тайёр, Уйни тезроқ ёпа қол.

Кейин менга дастёр Келинни ҳам топа қол.

Лофчи

Акам тутган балиқча Кундан кунга ўсади. Дейман: — Кичик ариқча Лаққа қандоқ сузади?

Эҳ, менинг содда акам, Ўз тилидан илинар. Лоф қўшилса, рост сўз ҳам Фирт ёлғондек билинар.

Мерган акам

Мерган акам Бир ўқ билан Қулатади Тўнғизни.

Аммо қўлда Туттолмайди Қўрқиб, оддий Кўнғизни.


Касб танлаш

Бўлсаммикан шифокор Ё аскарми, ё шофёр?

Дўстим хайрон боқадим, Барчаси ҳам ёқадим.

Бердик унга биз ёрдам: — Ҳайда харбий «тез ёрдам».

Худойберди КОМИЛОВ, Самарқанд вилоят Ургут туман Испанза ҚФЙ Ташарик маҳалласи 97-мактаб директори



Билиб қўйган яхши

Зебобахш ва шифобахш

Ўсма шарк халқлари томонидан қадимдан эъзозлаб келинади. Бирорта хонадон йўқки, кафтдек жойга ўсма экмаган — сепмаган бўлсин. Ўсма қош ва киприқларга кўрк бағишловчи омил бўлиб қолмасдан, минг йиллар давомида бир қатор хасталиқларга даво сифатида ишлатилган.


Чунки, ўсманнинг баъзи турлари табиқлар томонидан эътибор, қуйиш, жароҳатланишга малҳам сифатида тавсия этилган. Ўсма суви билан ўсимлик мойини қайнатиш натижасида олинадиган суртмани бавосил (геморрой) ва тўғри ичак касаллиқларига шифобахш этишда ишлатилганлар. Ўсма сувини арпа уни билан аралаштириб, учқўқ ҳамда хавфли ўсма-лар авж олишига тўсқинлик қилувчи малҳам тайёрланади. Ўсма сувига қорилган ҳамир зирақчани этдан чиқариб ташлашга, қон тўхтатишга ҳам яхши наф беради.

Ўсма таркибиде танин, салмоқли микдорда рангли хлорофил, дармон дорилар мавжуд. Ўсмадаги танин қон ва киприқ туқларига сингади, ундаги доривор омиллар эса инсон терисидеги ҳужайралар фаолиятини уйғунлаштиради. Ўсма шарбатига тўйинган қош ва киприқлар бевақт тўкилишдан ва ноҳуш ёлғонлиқ қилишдан холи бўлади. Яъни, у қош ва киприқларни мустаҳкамлайди.

Тадбиркор кишилар ўсманнинг яна бир ажойиб хислатидан фойдаланадилар. Мабодо гўдакнинг сочи сийрак ва ранглар бўлса, ўсма шарбатига қора талок бўтқасини аралаштириб боғлаб қўядилар. Гоҳо бундай тадбир самарасини кўриб хайратланади, киши. Абу Райхон Берунийнинг «Китоб ас-сайдана фиттиб» асаридега ўсма «Васама» сўзидан келиб чиққан. Бу «гўзаллик» маъносини беради, дейилган. Қараң-а, ўсманнинг аёллар хуснини очини аввалбошданок маълум бўлган экан.

Хонақилиштирилган ўсманнинг «Боғнили» деб аталадиган тури экилади. У анчагина беор бўлиб, ер танламайди. Халқ тилида «Яхши қоладиган» деб аталувчи ўсманни офтоб яхши тушадиган жойга эккан маъқул.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос



— Бойсун ўрмон хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишмоқчиман дедимизми? Жуда соз. Ёзишга арзийдиган ютуқларимиз бисёр, — деди Бахтиёр Нормуродов. — Ўрмончиларимизни ранжитаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Лекин бир гап. Тоққа чиқиш керак. Бунинг учун 70-80 км йўл босишга тўғри келади. Ўрмончилар ҳаёти билан танишмоқчи бўлсангиз ҳам тоғ сафарига чоғланинг. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши!

БОЙСУНЛИК ЎРМОНЧИЛАР ШИЖОАТИ

Бахтиёр Нормуродов деганимиз ўрмончилар сарқори, хўжалик директорининг ўринбосари. Ўзи навқирон йигит. Эндигина ўттиз беш баҳор гаштини сурган, ишлаб чарчамайди. Барваста қоматидан қуч-ғайрат ёғилиб турибди. Унинг тақлифига рози бўлди. Машинада суҳбат қизиди. Гурунгимиз мавзуси тоғ кишлоқлари, ундаги муаммолар, хайвонот дунёси тўғрисида бўлди.

Дарвоқе, Бойсун ўрмон хўжалиги ҳудудининг кенглиги, табиий бойлиқларга қонлиги жиҳатидан Сурхон воҳасида салмоқли ўрин тутди. У Кенгдала, Хомкон, Олачопон ҳамда марказий ўрмон бўлими-ларидан таркиб топган. Умумий майдони 100180 гектар. Унинг 55000 гектари арча дар-рахлари билан қопланган. Маданий ўрмонзорлар эса 500 гектардан ошади. 3,5 гектар ерда ҳар хил қўчатлар ўстирилса, қарийб 405 гектар ерда беда уруғи, галла, нўхат, картошка өтиштирилади. Хўжалик чорва учун табиий пичанзорларга эга. Яйловлар 27750 гектар. Унда шартнома асосида шахсий ҳамда фер-

мер хўжалиқларининг қоранимол, қўй-эчкилари парвариш қилинади.

— Ўрмонзорлар табиатнинг бебаҳо бойлиги, қолаверса, ерни эррозиядан сақлайди, сувни кўпайтиради, — дейди ҳамроҳим. — Уни авайлаб-асраш, ажойиботлар дунёсини бойитиш асосий вазифамиз. Ана шу мақсадда марказий бўлимда ёғочни қайта ишлаш қорхонаси ташкил этдик. Унда тайёрланаётган маҳсулотлар харидоригр. Асаларичиликни ҳам йўлга қўйганмиз. Қисқа муддатда асалари оиласи сонини 262 тага өтказдик. Утган йили 2000 кг. асал олган эдик. Бу йил эл дастурхонига 2500 кг. шифобахш неъмат тортиқ қилиш ниятидамиз. 2008 йил жамоамиз учун омадли қолди. Хўжалик бўйича соф даромадимиз 125 000 000 сўмдан ошди. Жорий йилда бу кўрсаткични 30 фойз кўпайтиришни мўлжаллаяп-миз.

Бахтиёр Нормуродов айтган фактларни дафтарчамизга ил-дириб олган, машина ойнаси-дан атрофга боқамиз. Илончи, ўнқир-чўнқир йўллар сўнгисидек туюлади. Мацай,

Кизилнавр кишлоқлари, сой соҳилида жойлашган боғ-роғлар ортда қолди. Оқшомга яқин Кенгдала қишлоғига кириб бордик. Кишлоқ бири-бири билан елка тирашиб өтган улғувор тоғлар қўйнида жойлашган. Бу ерда бизни ўрта буй, кен яғринли, буг-доёранг, 45 ёшлилардаги киши қораси олиб, ўзини Кенгдала участкасининг бошлиғи Хол-мирза Абдурахимов деб та-ништирди. Холмирза қамгап, аммо дилқаш одам экан.

— Устакамиз ҳудуди 30011 гектар, Қўқкамар тоғи-дан бошланиб, Ўрбулоққача чўзилиб кетган. Унда Тўғжай-лов, Сарқия, Бўлтонин, Бо-бохуй тоғлари ястаниб өтиб-ди. Зира, ананур пивёзи, ки-йикўт, мингтомир, қонтопар, ёввойи чой, шунгула, сарим-сак, дўғбой, телпақут, занжа-биб каби минг дардга даво гиёҳлар, чинор, арча, ирғай, уқат, туғдона, бодом, писта дарахтлари ўсади.

— Тоғларимиз ажойиботга бой, — дея суҳбатга аралаш-ди ҳаётнинг 40 йилни та-бид бойлиқларини асраш, кўпайтиришга бағишланган Пирим Мўминов. — Айик,

бўри, силовсин, қоплон, дала, бирқозон, қўқкаптар, бе-дана сингари қимматбаҳо мўйнали хайвонлар ҳамда парҳез гўшти, сайроқи қўш-ларнинг бешиги ҳам шу пур-виқор тоғлар.

Кенгдалалик ўрмончилар тоғ ажойиботларини, неча юз йиллик арча ва бошқа до-вархатларни сақлаб, кўпайти-риб борапти. Участка худ-уди кенг, боз устига тарқоқ жойлашган бўлишига қара-масдан ўн беш ишни, өтти ўрмончи бу ишларни сидки-дилдан бажармоқда. Қизил-сой, Урикли, Чайлагти, Қара-маз участкаларида дарахтзор-лар 100 гектарга кенгайти-рилди. Унинг 49 гектари ҳосилга кирди.

Рақамларни оққа кўчириш-дан осони йўқ. Аммо бу кўрсаткичларнинг ҳар бири Эгам Абдурахимов, Хуррам Эшқувватов, Чори Шукуров каби ўрмончилар, Отабек То-жиёв, Худойкул Эшқувватов сингари ишчилар тўқкан пе-шонча терининг самараси эканлиги мақташга арзийди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Боғлапга

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of authors and contributors.

Онаҳоним — Табиат

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Тошкент шаҳар Касб-хунарга ўқитиш марказининг Ижрочи дирекцияси Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказини «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Тошкент шаҳар Касб-хунарга ўқитиш маркази — Давлат унитар қорхонаси»га айлантирилди. Ушбу муносабат билан барча эътирозлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100100, Тошкент шаҳри, Абдулла Авлоний кўчаси, 20-А уй, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Тошкент шаҳар Касб-хунарга ўқитиш маркази — Давлат унитар қорхонаси, тел: 239-88-23.